

Сийрат дарслари (88-дарс). Қай бирингиз намозни кутиб турар экан, у намоздадир



13:00 / 05.06.2020 5265

370. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Имом кафил, муаззин омонатдордир. Аллоҳим, имомларни тўғри йўлга йўлла ва муаззинларни мағфират қил», дедилар».

Абу Довуд, Термизий, Ибн Хузайма ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

371. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай деганлар: «Кишининг жамоатдаги намози(нинг савоби) унинг уйдаги ва бозоридаги намозидан йигирма беш баробар кўпайтириб берилади. Бунда у таҳорат қилса,

тахоратини гўзал қилиб, сўнг фақат намоз ўқиш нияти билан масжид томон йўлга чиқса, ҳар босган қадами учун мартабаси бир даража кўтарилади ва битта хатоси ўчирилади. Намоз ўқиб бўлганида эса, у намоз ўқиган жойида турар экан, фаришталар: «Аллоҳим, уни ёрлақагин! Аллоҳим, унга раҳм қил!» деб салавот айтиб туришади. Қай бирингиз намозни кутиб турар экан, у намоздадир», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Шунга ўхшаш бошқа ривоятда: «Масжидга кирганида, модомики, уни намоз тутиб турар экан, намозда бўлади», дейилган. Ва фаришталарнинг дуосида: «Аллоҳим, уни мағфират қил, Аллоҳим тавбасини қабул қил, модомики, унда озор бермаса ва батаҳорат бўлмаса»ни зиёда қилган.

Муслим ривоят қилган.

372. Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам бор эди, мен ундан кўра (уйи) масжиддан узоқроқ кишини билмайман. У намозга бехато келарди. Шунда унга: «Агар эшак сотиб олсанг, кечалари ва иссиқларда минардинг», деб айтилди ёки айтдим. «Уйим масжиднинг ёнида бўлиши мени хурсанд қилмайди. Масжидга юришим ва аҳлимга қайтиб боргандаги қайтишим ёзилишини истайман», деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Батаҳқиқ, Аллоҳ сенга унинг ҳаммасини жамлади», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан